

**АВГУСТ
2021**

ПАВЛОДАР, КАЗАХСТАН



Международная конференция

ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ

Сборник научных трудов Павлодар, Республика Казахстан

Available at conferences.kz

СОДЕРЖАНИЕ

АГРОКУЛЬТУРА

Jumayeva Sitora Rahmonovna, Toshpo'latov Alisher G'aniboy o'g'li SHO'RLANGAN VA SHO'RLANISHGA MOYIL TUPROQLARDA TAKRORIY EKILGAN SOYANI TOMCHILATIB SUG'ORISH SAMARADORLIGINI ASOSLASH'	5
---	---

ХИМИЯ

Turayeva G., Qiyomova M.M POLIVINILXLORIDNING XUSUSIYATLARI VA TIBBIYOTDAGI AHAMIYATI.....	7
--	---

ИСТОРИЯ

Ибрагимов Р.З. ИЗ ИСТОРИИ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНЫХ ПРОЦЕССОВ В ТАШКЕНТСКОМ ОАЗИСЕ ПЕРИОДА ПОЗДНЕЙ БРОНЗЫ И РАННЕЖЕЛЕЗНОГО ВЕКА	9
--	---

МЕДИЦИНА

Abdullaev U.S., Mirakhmedova H.T., Odilov A.A. COMPARATIVE ASSESSMENT OF THE ROLE OF TRADITIONAL RISK FACTORS IN THE DEVELOPMENT OF CARDIOVASCULAR DISEASES IN PATIENTS WITH PSORIATIC ARTHRITIS.....	11
Каюмходжаев А.А., Халмуратова М.К. Расулов Ж.Ж ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ РЕЗУЛЬТАТОВ МИКРОХИРУРГИЧЕСКОЙ АУТОТРАНСПЛАНТАЦИИ ДЛЯ КОРРЕКЦИИ ГЛУБОКИХ И ОБШИРНЫХ ОЖОГОВЫХ ДЕФЕКТОВ ГОЛОВЫ И ШЕИ.....	12

ПЕДАГОГИКА

Бабаджанова Нозима Абдуллаевна, Арипжанова Махфуза Акмаловна ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ.	14
---	----

ФИЛОЛОГИЯ

Ismatulloh Abrayev BIR MARFUOT TURI: FOIL USTIDA TAHLIL	16
Jumaniyozova Nuriya Axmedovna INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA YURIDIK DISKURS STRUKTURAL TAHLILI (MURAKKABLASHGAN SODDA GAP MISOLIDA)	19
O'rayeva Darmon Saidaxmedovna, Gadoyeva Mavlyuda Ibragimovna ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИДА СОМАТИЗМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.....	21

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИДА СОМАТИЗМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

O`rayeva Darmon Saidaxmedovna

Buxoro davlat universiteti, O`zbek adabiyoti kafedrasini professori

Tel.: 914496755

Gadoyeva Mavlyuda Ibragimovna

Buxoro davlat universiteti, Ingliz tilshunosligi

kafedrasini dotsenti, filologiya fanlari nomzodi

Tel.:914486759

gmail: gadoyevamavlyuda59gmail.com.

Аннотация: Ушбу мақола инглиз ва ўзбек тиллари мақолларида соматизмнинг ифодаланишига бағишланган. Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги мақоллар, бирдамлик ва худбинлик ҳақидаги мақолларда бош, калла, юз, бет, манглай, оғиз, қўл, бармоқ, кулоқ, пешона, кўз, тил, ияк, суяк, лаб, тил, соқол, юрак каби соматизмларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга қаратилган.

Калит сўзлар: Ватан, ватанпарварлик, бирдамлик худбинлик, бош, калла, юз, бет, манглай, оғиз, қўл, бармоқ, кулоқ, пешона, кўз, тил, ияк, суяк, лаб, тил, соқол, юрак.

ВЫРАЖЕНИЕ СОМАТИЗМЫ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ПОСЛОВИЦАХ

Ураева Дармон Саидахмедовна

Бухарский государственный университет, профессор

кафедры Узбекской литературы

Tel.: 914496755

Гадоева Мавлюда Ибрагимовна

Бухарский государственный университет,

доцент кафедры Английского языкознания

Tel.:914486759

gmail: gadoyevamavlyuda59gmail.com.

Аннотация: Данная статья посвящена выражению соматизма в английских и узбекских пословицах. Пословицы о родине и патриотизме, о солидарности и эгоизме включают голову, голову, лицо, лицо, лоб, рот, руку, палец, ухо, лоб, глаза, язык, подбородок, кости, губы, язык, бороду, сердце направлено на анализ сходства и различия между английским и узбекским, где две языковые системы различны.

Ключевые слова: Родина, патриотизм, солидарность, эгоизм, голова, голова, лицо, лицо, лоб, рот, рука, палец, ухо, лоб, глаз, язык, подбородок, кость, губы, язык, борода, сердце.

EXPRESSION OF SOMATISM IN ENGLISH AND UZBEK PROVERBS

O`rayeva Darmon Saidaxmedovna

Bukhara State University, professor of

the Uzbek literature department

Tel.: 914496755

Gadoyeva Mavlyuda Ibragimovna

Bukhara State University

docent of the English linguistics department

Tel.:914486759

gmail: gadoyevamavlyuda59gmail.com.

Annotation: This article is devoted to the study of an important property of somatic words. The article examines the division of the somatic vocabulary into groups according to the nature of the nomination object. The article discusses the common features of these groups, characteristic of the entire linguistic society, as well as the features of somatic stable expressions in different languages.

Key words: motherland, patriotism, solidarity, selfishness, head, head, face, face, forehead, mouth, hand, finger, ear, forehead, eye, tongue, chin, bone, lip, tongue, beard, heart.

Фольклорда халқ заковати, истеъдоди ва тил бойлиги намоён бўлади. Бу хусусият айниқса мақол ва топишмоқларда кўринади.

Мақол арабча “қаволла”, “қавлун” сўзларидан олинган бўлиб, сўз, айтмоқ, сўзламоқ маъноларини англатади.

Мақол – халқнинг ҳаётий тажрибалари асосида юзага келган доно, пурҳикмат сўзлар. Эл орасида нақл сўзи ҳам мақол маъносида қўлланилади.

Ижтимоий- сиёсий, маънавий- маданий, ахлоқий фалсафий қарашларни ўз ичига олади.

Мақоллар ихчам, лўнда ва образли ифодаланади. Мақоллар махсус ижод қилинмайди, балки маълум бир шароит тақозоси билан ҳаётий тажрибадан хулоса сифатида юзага келади.

Ҳар бир мақолда ўша халқнинг қалби, миллий савияси ифодаланади.

Мақоллар ҳам шеърий, ҳам насрий шаклга эга бўлганлиги учун ҳам махсус тур деб аталади.

Мақоллар ихчам шаклга эга бўлса- да, катта ҳаётий муаммоларни ўз ичига олади. Ўзбек халқ мақолларини ёзиб олиш XI аср, Маҳмуд Қошғарийдан бошланган. XI – XII асрларда яшаб ўтган М. Гулханий “Зарбулмасал” асарида 400 дан ортиқ мақол ишлатган.

Соматик мақоллардан намуналар:

Дўст сўзини ташлама,

Ташлаб бошинг қашлама.

Билаги зўр бирни йиқар,

Билими зўр мингни йиқар.

Болалар халқ оғзаки ижодида мақол етакчи ўринда туради, чунки мақол халқ яратган ғоят чуқур ва тугал маъноли гаплар.

Мақолда халқнинг, бир неча авлоднинг ақл-у фаросати ҳамда турмуш тажрибасининг якуни, шунингдек донишмандлиги берилади.

Балки шу сабабли “Оталар сўзи ” номи билан ҳам юритилади.

Мақол жанрига нафақат ёзувчилар балки катта ёшдаги инсонлар ҳам қайта- қайта мурожаат қиладилар.

Мақол ёшларни илм-у ҳунарли бўлишга, меҳнатқашликка, ватанпарварликка умуман олганда барча инсоний фазилатларга ўргатади. Доно халқимиз бежизга: “Сўз кўрки-мақол ”деб айтмаган.

Мақоллар инглиз ва ўзбек фольклорининг оммавий, кенг тарқалган, қадимий анъанавий жанрларидан бири бўлиб, уларда ҳам соматизмларнинг иштироки алоҳида эътиборни тортади.

Ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги мақоллар уларнинг алоҳида мавзу турларидан бири ҳисобланади.

Бундай мавзудаги мақолларда кўпинча бел, бет, бош, қўл, ўпка, бўйин каби соматизмлар иштироки кўзга ташланади.

Бунинг эса ўз маъно мазмуни мавжуд. Ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги мақолларда бел соматизмининг иштироки бежиз эмас. Чунки инсон қадди-қомати тик туриши учун бел қанчалик зарур бўлса, эл-юрт ватан ҳам унга бел каби қувват бахш этади. Инсон фақат ўз юртидагина қадди-қоматини тик тутиб юра олади.

Шунинг учун бундай мақолларда:

“Айрилмагин элингдан, Қувват кетар белингдан”, дейилади.

Инсоннинг ватани унинг юзидир. Шунинг учун ватан ҳақидаги мақолларда бет, юз, ранги рўй каби соматизмлар алоҳида ўрин тутади.

Беткай кетар, бел қолар,

Беклар кетар, эл қолар.

The Kings leave, the land stays

Она юртинг омон бўлса,

Ранги-рўйинг сомон бўлмас.

Эътиборли томони шундаки, ушбу мақолларда юз соматизмининг синонимлари – бет, рўй сўзлари қўлланган.

Демак, “юз” соматизми ранги-рўй жуфт сўзлари билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги мақолларда бош соматизми ҳам кўп учрайди.

Чунки, инсоннинг тақдири унинг ватани тақдири билан туташ бўлади. Бунда “бош” сўзига тенг олинади ва маъновий синоним сифатида намоён бўлади.

“Бош” сўзи мақолларда баъзан “юрт” сўзи билан, баъзан “эл” сўзи билан боғланиб, “элбоши”, “юртбоши” кўринишида мослашувли бирикмаларни ҳосил қилади.

“Элбоши” бирикмаси халқ тақдирини, “юртбоши” бирикмаси ҳам халқ ҳам ватан тақдирини ифодалаб, кенгрок тушунчани билдириб келади.

Баъзида юртнинг боши тушунчасида келганда ўша юртнинг бошқарувчиси маъносини англатиб келади.

Ўзга юртнинг боши бўлганча,

Ўз юртингнинг тоши бўл.

Ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги мақолларда “қўл” соматизми ҳам учрайди.

Ўзга юртнинг боши бўлганча,

Ўз юртингнинг тоши бўл.

Элинг сенга чўзса қўл,

Унга доим содиқ бўл.

Nettle and it won't sting you. Grasp the sword

Мақоллар ўз ёки кўчма маъно ифодалаб келади.

Элидан айрилган эр киши ёмонлиги,

Ўпкадан урган ёмон елга ўхшатилади.

Ўпкадан урган ел ёмон,

Элидан айрилган эр ёмон.

United we stand, divided we fall

Қуйидаги мақолда қўл соматизми қўлланилган.

In the following proverb somatism “hand” is used.

Элинг сенга чўзса қўл,

Унга доим содиқ бўл.

Ушбу мақолда “қўл чўзмоқ” ибораси таркибида “қўл” соматизми “қўл” тушунчаси ўз маъносида, лекин “қўл чўзмоқ” бирикма кўринишида келганда ёрдам бермоқ тушунчасини ифодалаган.

Эрнинг иши элнинг бўйнида.

Элнинг иши эрнинг бўйнида.

A brave heart in evil case is the companion of its men.

Ушбу мақол худди тез айтишга ҳам ўхшайди. Унда бўйин соматизм иштирок этади. Элнинг бўйни метафорик бирикма бўлиб, зиммасида деган тушунчани англатади.

Бирдамлик ва худбинлик ҳақида мақолларда соматизм. Бирдамлик ва худбинлик ҳақидаги мақолларда бош, калла, юз, бет, манглай, оғиз, қўл, бармоқ, қулоқ, пешона, кўз, тил, ияк, суяк, лаб, тил, соқол, юрак каби соматизмлардан фойдаланилганлиги кўзга ташланади.

Масалан бирдамлик ва худбинлик ифодаловчи қуйидаги мақолда бош соматизмининг шевадаги синоними бўлган “калла” сўзидан фойдаланилган.

Бир калла — калла,

Икки калла — тилла.

Two heads are better than one.

Лекин бундай мақолларда кўпинча “бош” сўзидан ҳам унумли фойдаланганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Бешнинг боши бўлма,

Олтининг боши бўл.

Better the head of the dog than the tail of the lion.

Метонимия асосида шакллантирилган ҳамда “бош” ва “оёқ” сўзларини ўзаро зидлантиришлар орқали яратилган ушбу мақолда бешнинг боши, олтининг оёғи бирикмалари аслида беш одамнинг боши, олти одамнинг оёғи кўринишида бўлмоғи лозим эди, ammo тилга хос тежамкорликлар принципига асосан уларнинг таркибидаги одам сўзи тушиб қолган.

“Бош”, “оёқ” сўзлари инсоннинг тана аъзоларига нисбатан қўлланилган сўзлар бўлгани учун бу ўринда одам сўзининг тушиб қолдирилиши маънога путур етказмайди.

Халқдан ажралганнинг юзи қаро бўлур, мақолида юзи қаро ибораси қўлланилган. Бу ибора юзсизлик, юзи шувутлик деган салбий маъно ифодалаб келган.

“Юз қораси” бирикмаси баъзи мақолларда “бет қораси” кўринишида “юз” сўзининг синоними бўлган “бет” сўзи билан ифодаланиб келган.

Ери бўлиб, ерга борган бет қораси.

Эли бўлиб, элга борган юрт тўраси.

Баъзи мақолларда “бети йўқ”, “юзи йўқ” бирикмалари учрайди.

Бекорчининг

бети

йўқ,

Қозон осар эти йўқ.

Idle people has boldface.

Маълумки, “юзи қаро” иборасига “юзи қизил”, “қизил юз” иборалари зид келади.

Қизил юзни сарғайтма,

Азиз қўлни қавартир.

Drink wine have the gout, drink no wine and have the gout too.

Ушбу мақолда “қизил юз”, соғломлик, соғлом фикрлилик тушунчаларини билдиради.

“Азиз қўлинг” бирикмаси эса, меҳнаткаш қўл, фидойиликни англатади.

Кўпинча бирдамлик, ҳамжиҳатлик мазмунидаги мақолларда “эл оғзи” бирикмаси қўлланилади.

Эл оғзи — элак,

Унда гап турмас.

Talk of the town, The.

Худди шу мақолнинг “эл қулоғи эллик” варианты ҳам мавжуд.

Қизиғи шундаки “оғиз”, “қулоқ” сўзлари якка от бўлгани ҳолда бу ўринда тилдаги “эл-тўда” оти билан бирикиб келган.

Бундан кўринадики, якка отдан ташкил топган соматизмлар бемалол тўда оти билан бирикиб келиши мумкин. Бунга “эл оғзи”, “эл қулоғи”, “эл боши”, “эл юзи” ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Икки қўл бирдамликни, жамликни, бир қўл эса танҳоликни, яккаликни ифодалашда хизмат қилади.

Мана шу маъноларда халқ мақолларида “икки қўл”, “бир қўл” бирикмалари халқ мақоллари таркибида зидликни ҳосил қилиб келади.

Масалан

Икки қўл қилган ишни

Бир қўл қилолмас.

A bird in a hand is more worth than two flying

Оғ:

Қўл-қўлни ювар,

Сўнг икки қўл юзни ювар.

One hand washes another and both the face.

Мақолларда қўлнинг қисмлари орқали ҳам фикр илгари сурилган. Бирдамлик ташвиқоти илгари сурилган.

“Эл билан кесилган бармоқдан қон чиқмас”. Бу ўринда бармоқ қўлнинг кичик бир аъзоси бўлсада, ўзида инсонлар, бутун бошли бир халқ тушунчасини англатиб келган.

Қуйидаги мақолда “бел” соматизми гарчи “эл” сўзига қофия учун танланган бўлсада, барибир, катта маъно юкини ташиб келган.

Элга киргил элингча,

Сувга киргил белингча.

Чунки “бел” сўзи инсоннинг асосий таянч аъзоси бўлгани учун бу ўринда “элингча

етакчи таянч бўлиб, бор куч-ғайратинг билан, унга сув каби ёруғлик бахш этган”, деган рамзий маъно илгари сурилган.

Мақолларда ҳам худди топишмоқлар сингари ёки битта, ёки бир нечта соматизмлар қўлланилиб келинади.

Қўлидан иш келмаган маърака бузар.

Бели боғлиқнинг дили боғлиқ.

One hand has no sound

Кўриниб турибдики, ушбу мақолларда биттадан “қўл” ва “бел” соматизмларидан фойдаланилган.

Шуниси эътиборлики, кўпинча мақолларда соматизмлар сифатловчи аниқловчилар бўлиб, қўлланиб келинади.

Беташвиш бош қайда,

Меҳнатсиз ош қайда.

They must work in summer that will not let work in winter.

Ишсиз бошим — ошсиз бошим.

If Ifs and Ans were pots and pans
there would be no trades for tinkers.

Меҳнатсиз билак — ўринсиз тилак.

Don't bite the hand that feeds you.

Оқ қўл — ош эгаси,

Куч қўл — иш эгаси.

Умуман айтганда, бундай мақолларни кўплаб келтириш мумкин.

Улардаги “беташвиш бош”, “ишсиз бош”, “ошсиз бош”, “меҳнатсиз билак”, “ғайратсиз билак”, “оқ қўл”, “куч қўл” каби сифат билан бирга келган сифатланмиш характеридаги соматизм, сифатловчи сифатланмиш кўринишидаги соматизм таркибли бирикмалардир. Шуларнинг орасида “оқ қўл” бирикмаси, эгасининг ялқов, ишёқмас, дангаса эканлигидан дарак берса, “куч қўл” бирикмаси эгасининг меҳнаткашлигидан, ишбилармонлигидан огоҳ этади.

Хулоса. Шундай қилиб,

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gadoeva, M. (2020, December). Comparative analysis of somatism “head” in the Uzbek and English languages. In Конференции. <http://journals.e-science.uz/index.php/conferences/article/download/277/209>

2. Gadoyeva, M. I., & Kabilova, N. S. (2019). Выражение значения неопределенности числительными, нумеративами и посредством слова “бир” в английском и узбекском языках. *Theoretical & Applied Science*, (11), 699-704. <https://elibrary.ru/item.asp?id=42407825>

3. Ibragimovna, G. M. Features of Connotative Meaning of Somatizms as Part of Phraseological Units. *International Journal on Integrated Education*, 3(3), 73-78. <https://www.neliti.com/publications/333835/features-of-connotative-meaning-of-somatizms-as-part-of-phraseological-units>

4. Djumayeva, N. D. “Specific features of magic musical instruments in english and uzbek folklore.” *Теория и практика современной науки* 4 (2018): 21-24. <https://elibrary.ru/item.asp?id=35192565>